




# НУҚУ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 30-ЯНВАР, №4 (1201)

ПРЕЗИДЕНТ  
ТОПШИРИҚЛАРИ  
ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА  
МАСЪУЛИЯТСИЗЛИККА  
ЙЎЛ ҚЎЙГАН  
65 НАФАР МАНСАБДОР  
ШАХС ИНТИЗОМИЙ  
ЖАВОБГАРЛИККА  
ТОРТИЛДИ.  
**3-БЕТ**



Мансабдорлар томонидан **25 142**  
гектар ер ноқонуний ажратилган.

4-БЕТ

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ  
ПРОКУРАТУРАСИ  
ОРГАНЛАРИ  
ТОМОНИДАН  
42 МИНГДАН  
ОРТИҚ ЖИСМОНИЙ  
ВА ЮРИДИК  
ШАХСЛАРНИНГ  
БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ  
ТИКЛАНДИ.  
**6-БЕТ**

Бугун  
ғиёҳвандликнинг  
янги кўриниши –  
«Дорихона  
наркотиклари»  
мамлакатимиз  
ёшлари ҳаётига  
катта хавф  
солмоқда. Ҳатто  
дорига қарамлик  
ортидан қотиллик  
жиноятлари ҳам  
юз бермоқда.

9-БЕТ



ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ  
ДОРИДАМИ?..

МАДАНИЯТ БЎЛИМИ  
БОШЛИГИНИНГ  
ДИПЛОМИ ҚАЛБАКИ  
ЭКАН.  
**8-БЕТ**

БИРГИНА ОҲАК ЦЕХИДА  
САЛКАМ 150 МЛН.  
СЎМЛИК ТАБИИЙ ГАЗ  
«ЎҒИРЛАНГАН».  
**10-БЕТ**

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

# ШОРА

2019 йил 25 декабрь куни Бош прокуратурада Бош прокурор раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Видео-селектор тарзида ўтказилган йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш аҳволи ва қонунийликни таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинган эди. Мазкур йиғилишда ногиронликни белгилаш, ногиронларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш борасидаги бюрократик тўсиқ ва коррупция ҳолатлари аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётгани алоҳида қайд этилганди. Жумладан, ногиронлардан ногиронликни расмийлаштириш

ёки қайта расмийлаштириш учун тамағирлик қилинаётганига бир нечта мисол келтирилган эди. Куйида шу билан боғлиқ яна бир ҳолатни келтираемиз. Фуқаро Ю.М. ҳарбий хизматни собиқ иттифоқ пайтида ўтаган бўлиб, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашади ва бошидан жароҳат олади. Бу жароҳат оғир бўлгани учун унга ногиронлик расмийлаштирилади ва шу асосда нафақа тайинланади. Орадан ўтган йиллар мобайнида Ю.М.нинг ногиронлиги белгиланган муддатларда қайта расмийлаштириб турилади. Ушбу муддатнинг навбатдагиси 2019 йилга тўғри келади. Бунинг учун Мудофаа вазирлиги марказий тиббий комиссиясининг консультатив хулосаси керак эди. Ю.М.нинг ўзи ногирон бўл-

гани учун бу ишларда ёрдам бериш учун қўшниси А.Б.дан кўмак сўрайди. Хуллас, икковлон хулоса олиш учун Мудофаа вазирлиги марказий тиббий комиссиясининг шифокори И.Д.га учрашадилар. И.Д. эса хулоса тайёрлаб бериш учун керак бўладиган ҳужжатлар рўйхатини бериб, йиғиб келишларини айтиди. Орадан бир неча кун ўтгач, Ю.М. ҳамда А.Б. шифокор берган рўйхат бўйича берча ҳужжатларни келтириб беради. Аммо И.Д. хулоса тайёрлаб бермай, Ю.М.ни овора қилаверади. Шундан сўнг унинг қўшниси А.Б. нима учун хулоса тайёрлашни орта сураётганини сўраб И.Д. билан гаплашганида у бу иш учун 300 доллар талаб қилади. А.Б. шифокор билан савдолашиб, бу суммани 200 долларга туширади.

Келишилганидек И.Д. эртаси куни А.Б.га қўнғироқ қилиб тиббий хулоса тайёр бўлгани, пулни бериб, ҳужжатни олиб кетишлари мумкинлигини айтиди. Учрашув белгиланган жойда И.Д. тиббий хулосани А.Б.га бериб ундан 200 АҚШ долларини олган пайтда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Мазкур ҳолатни атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек тумани суди шифокор И.Д.га тегишли жазо тайинлаб ҳукм чиқарди.

**Зиётбек ХОЛИҚБЕРДИЕВ**,  
департаментнинг Тошкент шаҳар  
бошқармаси инспектори



# ҲАВАСИМ КЕЛАДИ, ҲАВАСИМ!

Ҳар йили баҳорнинг илк кунлари бир гуруҳ қизларга Зулфия номидаги давлат мукофоти топширилган кезларда ичимда нимадир ғимирлаб қолади, ўқинаман.

Йўқ, бу ҳасаддан эмас, азбаройи бугуннинг ёшларига ҳавасим келганидан. Бизда ҳам шундай имкониятлар бўлганида эди... Эҳ-хе, тенгдошларим орасида қанчадан-қанча иқтидорлилари бор эди.

Яқинда Президент мактаблари ҳақидаги кўрсатувни кўриб ўтирсак, кичик кизим «Ойи, менинг ҳам Президент мактабида ўқигим келиб кетди. Нега бизда шунақа мактаблар бўлмаган?!» деб қолди.

## 2020 – 2025 йиллар учун Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури ишлаб чиқилади.

Наманганлик шоир Зиёвуддин Мансур ҳам суҳбатлардан бирида «Ёшлар газетасига “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!..” деган мақола тайёрлаб берман» деди. Демак, ҳавас қиладиган биргина мен эмас эканман...

Бугун жамиятнинг қай жабҳасига қараманг, ёшлар сидқидилдан меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Лекин

давлатимиз раҳбари айтгандай «...бугунги ёшларимиз даврдан ортда қолмаслиги, доимо замондан бир қадам илгари қадам ташлаши керак».

Президентимиз 2019 йил 27 декабрь куни ёшлар билан учрашувда мутасаддиларга 2020 – 2025 йиллар учун Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Бу шубҳасиз ёшлар камолотига хизмат қилади.

Президентимизнинг Олий Мажлисига мурожаатида ҳам ёшларга жуда катта эътибор қаратилганини сезиш қийин эмас. «Мамлакатимизда илм-фанни янада раванк топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни янада жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили” деб ном беришни таклиф этаман» деганидаёқ юраклар ҳаяжондан хапқириб кетди.

Ахир 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланиши, шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилиши ҳазилакам гап эмас.

Яқинда ОАВ орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлган Ёшлар масалалари бўйича комиссия йиғилиши тафсилотида оид ахборотни ўқиб қол-

дим. Унда мазкур комиссия ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, тadbиркорликка жалб этиш, таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ долзарб масалаларни таҳлил қилиб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиққани айтилган. Қувонарлиси, ушбу таклифлар бугун бир қатор қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топаётир.

## Мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси бу йил камида 25 фоизга, келгусида 50-60 фоизга етказилади.

Президентимиз маърузаларидан бирида «...ёшлар қонун қабул қилиш жараёнларидан бошлаб партиялар ўртасида рақобат бўладиган мажлис ва тортишувларни ўз кўзи билан кўрсин, депутатлар билан мулоқот қилсин. Демократия мактабини фақат китобдан эмас, балки мана шундай жонли муҳитдан ўргансин» дея таъкидлаган эди. Қонунчилик палатасига ёшларнинг эмин-эркин кириб чиқишлари учун шароит яратилгани ана шу таъкиднинг самарасидир. Уларга ҳавас қилмай, кимга ҳавас қилайлик?!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Муҳаммад Хоразмий номидаги мактабда ёшлар ва соҳа мутасаддилари билан ўтказган

учрашувини вилоятдаги студияда кўриб ана шуларни ўйлагандим.

Президентимизнинг Олий Мажлисига мурожаатини тинглагач эса ёшларнинг олий таълим олиши учун имконият кенгайтганидан дарак бериб турган янгиликлардан бошим қўкка етди. Қаранг, бу йил «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юбориларкан. Келгусида грантлар икки баробар кўпайиб, тadbиротлар қўламини кенгайткан. Мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси бу йил камида 25 фоизга, келгусида 50-60 фоизга етказилишини эшитган қайси инсон мамнун бўлмайди?!

Тўғри, соҳада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Муаммоларни бартараф этиш, албатта, ёшларнинг ўзи-га ҳам боғлиқ.

Мурожаатдаги «2020 йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги поғонага кўтарилади» деган сўзлар ҳам бизни қувонтирди.

Президентимиз: «Энг катта бойлик – бу заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашпоқлик – бу билимсизликдир!» дея таъкидлади. Мана шу бойликка эга бўлишда хотин-қизларимизнинг имкониятини янада ошириш учун энди олий таълим муассасаларида ўқий келгусидаги қизлар учун алоҳида грантлар ажратилиши кизларимиз учун катта ғамхўрликдир.

Чиндан ҳам ёшларга ҳавасим келади!

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Нидо»



## БИЗ ЁШЛАРГА ИШОНАМИЗ

Юртбошимиз 2019 йилнинг 27 декабрь куни ёшлар билан ўтказилган учрашувда 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлишини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, 23 январь куни Бухоро вилояти прокуратурасида янгича руҳда, муаммо, таклиф ва ташаббуслар илгари сурилган лойиҳаларга устувор аҳамият берган ҳолда таълим, тadbиркорлик ва бошқа соҳаларда банд бўлган, вилоятнинг барча ҳудудларидан таклиф қилинган ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Учрашувнинг бош мақсади ёшларнинг бугунги ислохотларда етакчи куч сифатида ўз қарашлари, мақсад ва интилишларига бўлган ишончини мустақамлаш эди.

Шу мақсадда ёшлар билан малакали мутахассис иштирокида психологик тренинг ўтказилди ҳамда аниқ вазифа ва мақсадлари бўлган ватандошларимиз ҳамда машҳур иродали шахслар ҳаёти ҳақидаги видеороликлар намойиш этилди.

Шунинг баробарида ёрқин келажак учун биргалликда ишлаш, тўсиқларни ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали бартараф этиш борасидаги таклифлар тинланди.

Қорақўл тиббиёт ва Бухоро юридик коллежи ўқувчиларининг «Ёш меҳрибон врачлар клуби» лойиҳаси асосида ёнғиз яшаётган фуқароларга бегараз тиббий

хизмат кўрсатиш ҳамда Бухоронинг туристик жозибадорлигини оширишга қаратилган «Қадимий ва тоза шаҳрим» лойиҳаси тақдими намойиш қилиниб, иштирокчилар томонидан маъқулланди.

Ёшлар билан ҳамкорликни таъминлаш борасида вилоят прокуратураси ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ўртасида меморандум имзоланди.

Учрашув якуни бўйича энг яхши иштирокчи, гоյ муаллифи, энг яхши ташаббускор, лойиҳа эгаси, энг жонкуяр ёшлар вакили, фидойи йўриқчи-мураббий номиницайлари бўйича 10 нафар ғолиб танланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бу борадаги тadbирлар давом эттирилади.

Анвар АСАДОВ,  
Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси



## ИЖРО ИНТИЗОМИ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг самараси биринчи навбатда давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомига риоя этилишига боғлиқ. Давлат раҳбарининг бу борадаги қарор, фармон ва фармойишлари, шунингдек, топшириқлари ижросини прокуратура органлари мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3404 та ҳужжати бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга 34447 та топширик берилган. Президент қарорлари асосида берилган топшириқларнинг 26110 таси бажарилган, 7234 тасининг ижроси давом этмоқда.

Бундан ташқари, Президентнинг топшириқлари бўйича Бош прокуратура томонидан кунлик назорат амалга оширилиши натижасида 2019 йилда 6383 та топшириқнинг бажарилиши таъминланди.

Президент топшириқлари ижросини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйган 65 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

### Бош прокуратура томонидан кунлик назорат амалга оширилиши натижасида 6383 та топшириқнинг бажарилиши таъминланди.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 18 та тақдимнома киритилиб, 65 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳланганди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг янги ва самарали механизми йўлга қўйилди. Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш,

аҳолининг иш билан бандлигини ва фаровонлигини оширишга қаратилган бир қатор янги тартибларни белгилаб берди.


Барчага маълумки, тадбиркорлик фойда олишга қаратилган, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажаришдан иборат махсус хўжалик фаолиятидир. Шу сабабли ҳам тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқишнинг махсус тартиби яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик ўзига хос мураккаб ва серқирра фаолият бўлгани сабабли уни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш кўплаб давлат органлари ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Фаолиятимиз давомида 37 та тадбиркорлик субъектига 29,7 млрд. сўм ва 148 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит, тадбиркорларга иссиқхона ташкил этиш учун 72,1 гектар, паррандачиликни ривожлантириш учун 919 гектар ер ажратилиб, 172,6 млн. сўмлик тиббий жиҳозлар олишида ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Амударё туманида «Ўртақалъа чорвадори» МЧЖга асаларичилик хўжалигини ишга тушириш учун 2019 йил 22 май куни «Агробанк» томонидан 1,2 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланган.

Ўз вақтида бажарилмаган ва бажарилмаслик хавфи вуқудга келган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма томонидан вазирлик ва идоралар билан кунлик маълумот алмашиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир топшириқнинг ижроси назоратга олинган.

**Жасурбек ҲОШИМОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори



## ЧАНГ БОСГАН МУРОЖААТЛАР

Хоразм вилояти прокуратураси томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг туман ва шаҳар ҳокимликларидаги ижроси ўрганилди. Асосий эътибор ишонч телефонларининг самарадорлигига қаратилди.

Фуқаро ўзини қийнаётган муаммо юзасидан мутасаддиларга мурожаат қилар экан, унинг тезда ечим топишини истади. Аммо ҳамма жойда ҳам қўйилган самарага эришиляпти деб бўлмади.

Хусусан, Боғот тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилаётган бўлимга ўрганиш даврида 1447 та мурожаат келиб тушган. Б.Аллабергановнинг тураржойига эгаллик ҳуқуқини белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига халқ қабулхонаси орқали йўллаган мурожаатига 42 кунда, Э.Султоновнинг ер майдони ўзбошимчилик билан эгаллангани ҳақидаги мурожаатига 55 кунда, Х.Жабборованинг аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаси ўрнатишга руҳсат сўраб йўллаган мурожаатига 4 ойда жавоб хати берилган. Г.Жуманиёзовнинг мурожаатига 4 ойдан ортиқ вақт мобайнида

ҳам жавоб берилмаган. Бундан ташқари, бўлимга келиб тушган 44 та мурожаат ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланди.

Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларига ҳам эътиборсизлик билан қаралган. «Бахт ҳаракат меваси» МЧЖнинг иссиқхона ташкил қилиш учун қўшимча ер ажратиш сўралган мурожаати саккиз ой давомида кўриб чиқилмаган.

Бундай ҳолатлар Шовот тумани ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилаётган мажмуада ҳам аниқланди. Бўлимга берилган ёзма мурожаатларнинг 60 таси белгиланган бир ойлик муддатда ҳал қилинмасдан, ташлаб қўйилган. Масалан, «Машарипов Қудратжон» фермер хўжалиги раҳбари Қ.Машариповнинг экин майдонини давлат захирасига олишни сўраб, «Ўқтам Расул Саидов» фермер хўжалиги раҳбари Р.Саидовнинг танлов масаласида йўллаган мурожаати туман ҳокимлигига кирим қилинмасдан, бўлимда сақлаб келинган.

Деярли барча ҳокимликларда шундай ҳолатлар учрайди. Текшириш натижасида туман ва шаҳар ҳокимлари номига қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 9 та тақдимнома киритилиб, 23 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш чораси қўрилган.

Мурожаатларга бепарволик билан қараш одамларнинг давлат органларига нисбатан ишончини сўндиради. Шундай экан, мурожаатлар ортида инсон тақдир турганини доим ёдда тутиш, уларга қонуний ечим топиш шарт.

**Тўлқин АТАНИЕЗОВ,**  
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

## ТАЛАБДАН БЕҲАБАРЛИК МУАММО КЕЛТИРГАН

Мудофаа вазирлиги қўшинларида тиббий ва санатория-курорт таъминотини ташкил қилишда айрим муаммоларга дуч келинмоқда.

Жумладан, Мудофаа вазирлигининг Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган марказий ҳарбий санаториясида дам олувчиларнинг аксарияти бошқа вилоятлардан келадиган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий пенсионерлардир. Лекин улар санаторияга пул тўлашда белгиланган айрим таққилар туфайли муаммоларга дуч келаётгани, бу эса асосли эътирозларга сабаб бўлаётгани аниқланди.

Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида санатория-курорт таъминотини ташкил этиш ҳақида»ги йўриқномада санаторияда дам олиш учун пул фақат Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпитали кассасига тўлашни лозимлиги кайд қилинган.

Дам олувчиларнинг аксарияти мазкур талабдан беҳабар бўлгани сабабли

улар санаторияга келганидан сўнг пул тўлаш учун Тошкент шаҳрига, яъни Марказий ҳарбий клиник госпиталга (оралик масофаси 115 км) бориб келишига тўғри келган. Бундан ташқари, кўп ҳолларда ҳарбий хизматчилар ёш фарзандлари билан дам олишга келаётган бўлса-да, амалдаги тартиб бўйича болалар учун ҳам катталар учун белгиланган миқдорда пул тўлаган, болаларнинг озиқ-овқатни кам истеъмол қилиши, уларга айрим тиббий хизматлар (масалан, физиотерапия ва б.) кўрсатилмаслиги инobatга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси томонидан мазкур му-

аммолар таҳлил қилиниб, амалдаги буйруқларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинди. Бу таклифлар кўриб чиқилиб, Мудофаа вазирининг буйруқларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эндилликда вазирликнинг марказий ҳарбий санаториясида борадиган ҳарбий хизматчиларнинг 12 ёшгача бўлган фарзандлари учун йўланманнинг 25 фоизи миқдоридан ҳақ тўланади, пулни санаториянинг ўзидан ҳам тўлаш мумкин.

**Қаҳрамон ИСРОИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

Президент Шавкат Мирзиёев 28 январь куни транспорт тизимини самарали ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ НИМАЛАР ОРТГА ТОРТАЯПТИ?

Прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси алоҳида назоратга олинган. 2019 йилда соҳада 1793 та текшириш ва мониторинг ўтказилиб, натижасига кўра 16840 та прокурор назорати ҳужжати қўлланди.

Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш борасида 2722 та протест келтирилиб, 5303 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. Қонунбузилишларни бартараф этиш хусусида 1865 та тақдирнома киритилиб, 3881 киши интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Айбдорлардан 3,3 млрд. сўмдан ортиқ зарар ундирилиб, судларга фермерлар ва хўжалик юртувчи бошқа субъектларнинг манфаатини кўзлаб 63,6 млрд. сўмдан ортиқ қарзни ундириш бўйича 4255 та даъво аризаси киритилди.

Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 92 та жиноят иши кўзга тилиб ҳамда 25275 нафар шахснинг, шу жумладан, 10492 та юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, ўтган йили 7040 гектар экин майдонидан ноқонуний фойдаланиб келинган аниқланиб, қўрилган чоралар натижасида бу ерларнинг 3929 гектари заҳира ер фондига кайтарилди.

Текшириш давомида ноқонуний ажратилган 15012 гектар ер заҳирага кайтарилди таъминланди.

Бундан ташқари, республикада 2 млн. 694 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари туман ҳокимликлари заҳирасида тургани аниқланган. Энг ачинарлиси, шундан 119 974 гектари суғориладиган ерлардир. Тахлиллар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар охириги беш йил мобайнида 180,7 минг гектарга камайтганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, туپроқ унумдорлигини оширишга оид қонунлар ижросида ҳам муаммо бор. Хусусан, Тўртқўл, Учқўрғон, Нурота, Навбахор туманларида ернинг унумдорлиги тушириб юборилган. Бирок Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган вилояти прокурорлари бу масала юзасидан етарли назорат ўрнатмаган.

Бундан ташқари, республика бўйича 388 854 гектар суғориладиган ернинг ҳолати ёмонлашган.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари, шунингдек, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари томонидан экин ерларини фуқароларга сотиш йўли билан муомаладан чиқариш ҳолатларига ҳамон барҳам берилмаган. Бу каби қонунбузилишлар асосан Жиззах, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида кенг тус олган. Хусусан, «Ермулкадастр» ДУК Олтиариқ тумани филиали ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси Э.М. фирибгарлик билан фуқаролар О.Н. ва Ф.Т.дан «Муҳиддин обод» фермер хўжалигига тегишли ердан 5 гектарини туман ҳокимлигидаги танишлари орқали боғдорчилик йўналиши учун ажратиб бериш эвазига 22 минг АҚШ доллари ва 28,5 млн. сўм пулни олган вақтида ушланиб, суд олдида жавоб бермоқда.

Мазкур йўналишда қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 1215 та протест келтирилиб, қонун бузилишини бартараф этиш борасида 262 та тақдирнома киритилган ва жиддий қонунбузилишлар бўйича 28 та жиноят иши кўзга тилинган.

Афсуски, ҳамон қўшиб ёзиш, талон-торож қилиш иллатидан қутулиб бўлмаётган. Хусусан, «Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналарда қўшиб ёзиш ва бошқа суниётсўмоқчиликларга йўл қўйилгани оқибатида жами 22 млрд. 511 млн. сўмлик 13624 тонна ғалла талон-торож қилингани аниқланди. Масалан, «Наманган дон махсулотлари» АЖ тегирмон цехи бошлиғи Б.М. 798 млн. сўмлик бугдойни талон-торож қилгани учун беш йилга озодликдан маҳрум этилган.

«Ўзпахтасаноат» АЖ тизимида эса 63,6 млрд. сўмлик пахта ва чигит талон-торож қилингани аниқланди.

Ҳар йили бундай қонунбузарликлар аниқланиб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилаётган бўлса-да, ушбу салбий ҳолатга барҳам берилмапти. Масалан, «Норин пахта тозалаш» АЖ қошидаги «Ҳаққуллобод» пахта пункти товаршуноси И.Х. 3,3 млрд. сўмлик, «Ўқчи пахта тозалаш» АЖ товаршуноси А.А. 991 млн. сўмлик, «Сўфиқишлоқ пахта тозалаш» АЖ тайёр махсулотларни етказиб бериш ва логистика бўлими бошлиғи Э.Ю. 604 млн. сўмлик, «Шаҳрихон пахта тозалаш» АЖнинг «Найнаво» пахта пункти мудир Б.А. 561 млн. сўмлик пахтани талон-торож қилгани учун жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган мажбурий меҳнат билан боғлиқ муножаатларни ўрганишга ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мисол учун, «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Тўрақўрғон ўқув спорт техника клуби раҳбари О.Ж. ҳамда «Ермулкадастр» туман филиали раҳбари Э.М. ходимларини «Бурамагўт гулшани» фермер хўжалигининг пахта даласига мажбурий жалб қилгани учун маъмурий жаримага тортилди.

Бундан ташқари, текширишларда 3,6 млрд. сўмлик 2004 тонна минерал ўғит талон-торож қилингани аниқланган. Масалан, «Агрокимёҳимоя» АЖ Қўнғирот тумани филиали 63-шоҳобча бошқарувчиси Т.М. ва оғборчиси Г.А. 974,5 млн. сўмлик 641,4 тонна, Миришкор туманидаги «Помук» филиали «Дўстлик» шоҳобчаси мудир Ф.Ш. 375 млн. сўмлик минерал ўғитни талон-торож қилгани учун суднинг ҳукми билан жазо тайинланган.

Қишлоқ хўжалигини сувсиз, канал, зовур ва ариқларсиз тасаввур қилиш кийин. Бирок айрим вилоятларда ирригация ва мелиорация тармоқларини тозалаш ва таъмирлашга етарли эътибор берилмаётган. Назорат тадбирларида ирригация ва мелиорация тадбирлари учун ажратилган 1 млрд. 748 млн. сўм пул, техника ва бошқа мулклар талон-торож қилингани аниқланиб, ундирилиши таъминланди.

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланиши таъминланмагани оқибатида 302 млрд. сўмга яқин маблағ талон-торож қилинган. Масалан, «Ипотекабанк» Навоий вилояти филиали ходими З.А. фуқаро А.А.нинг номига унинг ҳабарисиз 17 млн. сўм имтиёзли кредитни ҳужжатларини сохталантириш орқали ажратиб, талон-торож қилгани учун суд ҳукми билан жазо тайинланди. Ушбу соҳада ўтказилган назорат тадбирлари давомида 3015 нафар шахснинг, шундан 551 та юридик шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Чорвачиликка оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 1 млрд. 363 млн. сўмлик 3109 та мол талон-торож қилингани аниқланган. Масалан, «Қизилча қорақўл насачилик» МЧЖ бош чўпони З.С. жамиятнинг 474,1 млн. сўмлик, «Ғузор қорақўлчилик» МЧЖ бош чўпони М.Б. ва бошқалар жамиятнинг 534 млн. сўмлик чорвачисини талон-торож қилгани учун тергов қилинмоқда.

2020 йил ҳосили учун чигит экишга тайёрларлик ва ғалла парваришида ҳам қатор хатоларга йўл қўйилган. Республика бўйича ҳақиқатда 34949 та фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 1 млн. 104 минг 469 гектар ерга ғалла экилгани ёки режага нисбатан 26 899 гектарга кўп экилгани аниқланди. Бирок Жиззах вилоятида 255 гектар, Наманганда 858 гектар ва Сирдарёда 1704 гектар майдонга ғалла кам экилган. Бу йил ғаллазорларни озиклантириш учун 269,3 минг тонна азотли ўғит талаб этилса-да, «Агрокимёҳимоя» АЖ филиалида 53,9 минг тонна ўғит заҳира қилинган, холос.

Қишлоқ хўжалигидаги оксоликларга шудгорлаш, ер тайёрлаш, шўр ювини, ўғитлаш ва бошқа агротехник тадбирлардаги хатолар, минерал ўғит ва химёвий воситалар заҳирасини яратмаслик, техникалардан унумли фойдаланмаслик ва техника етишмаслиги, берилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш ҳамда уруғ тайёрлашдаги қондабузарликлар сабаб бўлмоқда.

Улуғбек АХУНОВ, Бош прокуратура бошқарма прокурори

### Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан

Мансабдорлар томонидан **1414** та ҳолатда **25 142** гектар ер ноқонуний ажратилгани аниқланиб, **15 318** гектари қайтарилди.

маҳаллий ҳокимликлар **24 737** гектар, «Ергеодезкадастр» хизмати ходимлари **6** гектар, фермерлар **344** гектар, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари **2** гектар ва бошқалар **53** гектар ерни ноқонуний равишда ажратиб берган.

**Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳам прокуратуранинг доимий эътиборида бўлиб келган. Хусусан:**

**742** та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисобрақам очишда, **36,2** млрд. сўм кредит, **4,9** млрд. сўм иш ҳақи, **7,3** млрд. сўм нақд пул олишда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уларга **585** млн. сўм қарзини тўлашда ва **5,3** млрд. сўм қарзини ундиришда кўмак берилди.

**Мамлакатимизда пахта етиштиришда кластер тизими кенг жорий этилаётган бир пайтда кластер корхоналари ҳам қонун бузилишига йўл қўймоқда. Жумладан:**

кластер корхоналари **4** трлн. **103** млрд. сўмлик имтиёзли кредитни қайтармаган, ҳақиқатда қабул қилинмаган **120 612** тонна пахтани қўшиб ёзган.

**Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган муножаатларни ўрганиш ва бевосита ўтказилган мониторингларда 19 та ҳолатда ходимлар мажбурий пахта теримига жалб қилингани аниқланиб, 19 нафар мансабдор жавобгарликка тортилди.**

Прокуратура органлари томонидан бюджет ташкилотлари ходимлари ва фуқароларни пахта теримига мажбурий жалб қилмаслик ҳамда пахта талон-торож қилинишига йўл қўймаслик ҳақида **3731** нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахс расман огоҳлантирилди.

Теримчилар учун шароит яратиш ва терим пулини тарқатишда камчиликка йўл қўйган **164** нафар масъул шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

**2020 йил ҳосили учун чигит экишга тайёрларлик ва ғалла парваришида ҳам қатор хатоларга йўл қўйилган. Хусусан:**

**42** та фермер хўжалиги **877** гектар ерга режадаги ғаллани умуман экмаган.



# БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ

Бухоро вилоятидаги прокурор секторларида аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда «маҳалла – сектор – халқ қабулхонаси – маҳалла» принципи асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йили ишчи гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш давомида аниқланган 6610 та муаммо бартараф этилган. Хусусан, Гиждувон туманида яшовчи Л.Ражабова ва Г.Икромованинг уйлари таъмирланган ҳамда 2-гурӯх ногирони Ш.Қўлдошевага уч хонали уй қуриб берилган.

Ромитан тумани прокурори сектори томонидан «бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида Тошмачит кишлоғидаги 58 та хонадонга имтиёзли кредит ҳисобидан икки сотихли иссиқхоналар қуриб берилган ҳамда ишламаётган ўттиздан ортиқ иссиқхонанинг иши қайта тикланган.

Шу билан бирга, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган 367 та муаммо бартараф этилган. Масалан, Вобкент тумани Косари кишлоғидаги 5,3 км газ қувири, 19 та газ тақсимлаш пункти таъмирланган. Қорақўл тумани Уртуқдурман кишлоғининг электр узатиш тармоғи алмаштирилиб, қўшимча трансформаторлар ўрнатилган. Шофиркон тумани «Мирзоқул» МФЙда жойлашган Хўжаидод қабристонини 1,7 метр баландликдаги девор билан ўралиши таъминланган.

## 58 та хонадонга имтиёзли кредит ҳисобидан икки сотихли иссиқхоналар қуриб берилган.

Вилоятдаги прокурорлар секторларида давлат раҳбарининг бешта ташаббусини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Когон туманида тадбиркорликни эндигина бошлаган хотин-қизлар учун иссиқхонада сабзавот ва полиз экинларини етиштириш, интенсив боғ барпо қилиш, кўчатчиликни ривожлантириш ва мевали ўсимликларни пайванд қилиш йўналишида уч кунлик дарслар ўтказилиб, малакаси оширилди. Бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда, республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган 33 та муаммо Бош прокуратура томонидан ваколатли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хар бир ҳудудда аниқланган муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган «йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари кенгашлари сессияларида уларнинг ижроси юзасидан секторлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилган.

Бундай хайрли ишларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги тизими бугунги кунда самара бермоқда. Прокурорлар секторлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш халқ прокуратурасини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири эканлигини тўлиқ англаб етган.

**Сабриддин ШАМСИЕВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда дарё ўзанини тозалаш ва қирғоқ бўйини мустақамлашга оид норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар ижроси таҳлил қилинди.

# ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАР ТУГАНМАС ЭМАС

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг дарёлар ўзаниларини тозалаш ва қирғоқларни мустақамлаш соҳасини тартибга солишга оид олтита, Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори қабул қилинган бўлиб, таҳлиллар мазкур соҳада ҳал қилинмаган муаммолар борлигини, уларни бартараф этишнинг аниқ ҳуқуқий механизми яратилмаганини кўрсатмоқда.

Хусусан, соҳани тартибга солишга оид қўллаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлича талкин қилиниши оқибатида тошқинларга қарши курашиш бўйича Сирдарё вилояти комиссиясининг қарори билан 2018 йилда 33 та ва 2019 йилда 14 та ҳўжалик юритувчи субъектга дарё ўзаниларини тозалаш участкалари ноқонуний ажратилган.

Соҳани назорат қилувчи идораларнинг қўлиги ва уларнинг вазифалари тақдорланиши, назорат қилишнинг ягона тизим ва механизми йўқлиги оқибатида бу борадаги назорат самара бермаяпти.

Норуда маҳсулотларини қазиб оладиган ускуналар ва қазиб олинган маҳсулотлар тўпланадиган жойлар аўкцион ҳужжатларида кўрсатилмаслиги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг сарсонгарчилиги олиб келмоқда.

Қазиб олинган норуда маҳсулотларнинг ҳисобини олиш ва бу тўғрисида маълумотларни бериш механизмлари тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмагани натижасида 22 та ҳўжалик юритувчи субъект давлат солиқ

органларида ҳисобга олинмаган. Улардан тахминан 500 млн. сўм миқдориде ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ундирилмасдан қолмоқда.

Дарё ўзаниларини тозалаш ишлари атиги иккита тадбиркорлик субъектига лойиҳа ҳужжатлари берилиб, қолган 37 та ҳўжалик юритувчи субъект лойиҳа ҳужжатларисиз ва давлат экологик экспертиза ҳулосаларисиз норуда маҳсулотлар қазиб олиш билан шугулланмоқда. Бу ўз навбатида дарё қирғоқлари ўпирилиши каби экологик муаммолар ҳал этилмасдан қолишига сабаб бўла-япти.

Дарё ўзаниларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш соҳасида ер участкасини ажратиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экологик ҳулосалар олиш, норуда маҳсулотларини қазиб олиш тартиби ва қирғоқларни мустақамлаш ишлари кўрсатилган, норуда материалларни ҳисобга олиш, ҳисобот топшириши ва солиқларни тўлаш жараёнини тўлиқ қамраб олган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим. Бу борада амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар берилди ва қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилиши таъминланди.

**Сарвар БАЗАРОВ,**  
Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари

JARAYON

# 5/ТАШАББУС- ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган беш ташаббус Янгикўрғон туманида қандай амалга оширилмоқда? Бу савол теграсида фикр юритиш учун қуйидаги қайдларга мурожаат қилишнинг ўзи киёф.

**Биринчи ташаббус** бўйича 2-секторда жойлашган 14 та мактабда 2400 та ўқувчи турли йўналишлар бўйича тўғрақларга қамраб олинди. Мусика, рассомлик, адабиёт ва санъатнинг бошқа турлари бўйича ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида учта таълим муассасасида туман ХТБ билан ҳамкорликда бешта тўғрақ ташкил этилди.

**Иккинчи ташаббус** бўйича мактаблардаги спорт тўғрақлари 35 тадан 64 тага етказилди. Маҳаллалардаги спорт майдончалари таъмирланди. Хусусан, Ўрта маҳалласида тадбиркор имтиёзли кредит Ҳисобга қазилган футбол майдончаси барпо этди. Натижада 300 нафардан ортиқ ёшларнинг футбол билан мунтазам шугулланиши учун имконият яратилди.

**Учинчи ташаббусга** қўра 2-сектордаги барча таълим муассасаларини компьютер ва интернет билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ҳудудда ташкил этилган ракамли технологиялар ўқув маркази аҳолининг компьютерда ишлаш қўникмасини оширишга хизмат қилаяпти. Шу мақсадда Бирлашган ва Бекобод кишлоқлари алоқа бўлимлари таъмирланиб, 12 километрли оптик тармоқ тортилди.

**Тўртинчи ташаббус** бўйича 2-секторда аҳолига икки мингдан зиёд бадий китоб совға қилинди. Иккита маҳаллада кутубхона ташкил этилди. «Ёш китобхон», «Китобхон оила» танловлари ўтказилди.

**Бешинчи ташаббусга** қўра 2-секторда 1741 нафар ишсиз фуқаро рўйхати тузилиб, шу кунга қадар уларнинг 621 нафари ишга жойлаштирилди. Тўрт марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уларда асосан ёшлар ва аёлларни



ишга жойлаштириш бўйича тумандаги 45 дан ортиқ ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашди ва 110 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

«Қўлдан берганга қуш тўймас» деган нақл бор. Устига-устак, кўп йилларки, таникли бир арбобнинг мана шу гапи тез-тез ёдимга тушади: «Балиқ сўраганга қармоқ беринг, токи у балиқни ўзи тутиб есин!».

Қайд этилишича, тумандаги 2-сектор ҳудудида 783 та кам таъминланган оила бор. Ҳўш, бу сонни қандай қилиб қамайтириш мумкин?

Шу мақсадда бошланган сайё-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 246 нафар фуқарога 2 млрд. 996 млн. 400 миң сўм кредит ажратилди. Бу шунча оилада бой бўлиш учун илк қадам ташланди дегани. Яна 263 киши доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, битта кам таъминланган оиланинг тураржойи таъмирлаб берилди. Энг муҳими, 447 та оила кам таъминланган оилалар рўйхатидан чиқарилди.

**Улғубек РАХМОНОВ,**  
Янгикўрғон тумани прокурорининг ўринбосари

28 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.





FAOLIYAT

# МАҚСАД – ХАЛҚ ФАРОВОН БЎЛСИН

Фаргона вилояти прокуратураси органлари қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

2019 йили барча соҳаларда ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра 11971 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди, 42631 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Мансабдорларнинг салкам 2900 та ҳужжатига протест келтирилиб, қонунга мувофиқлаштирилди. Қонун бузилишига йўл қўйган шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 317 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилиб, 4 млрд. 300 млн. сўм зарар ундирилди, 11 млрд. 400 млн. сўм зарарни ундириш учун судларга 649 та даъво аризаси киритилди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаати диққат билан ўрганиляпти. Йил давомида 33 мингта яқин мурожаат кўриб чиқилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тўлов интизомига риоя этилиши, янги иш ўринлари яратиш, одамларни иш билан таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, ушбу соҳалардаги қонунлар ижроси бўйича катъий чоралар кўрилувчи. Жумладан, 1300 дан ортиқ пенсионер ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди. Судларга киритилган аризалар асосида 1385 нафар ҳодимнинг 2 млрд. 100 млн. сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида прокурорлар раҳбарлигидаги секторларда 105 мингдан ортиқ китоб жамланган 24 та кутубхона ташкил этилди. Хусусан, Кува тумани прокурори секторида ташкил этилган тўртта кутубхонада 5200 дан зиёд асарлар жамланди.

«Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури асосида 311 нафар ёш тадбиркорнинг лойиҳаларига 70 млрд. 600 млн. сўм кредит ажратилди. Лойиҳаларнинг 222 таси ишга туширилиб, 1055 кишининг бандлиги таъминланди. Секторлар раҳбарларининг ёрдами билан 8 нафар ёш тадбиркорга «Ёшлар меҳнат гузари» куриши учун ер ва 82 нафарига 18 млрд. сўм кредит берилди. Хусусан, вилоят прокуратурасининг ёрдами билан

Кўштепа туманида ёш тадбиркор О.Аҳмедовнинг «Сардоба келажак сари» оилавий корхонасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун тижорат банки томонидан 150 млн. сўм кредит ажратилди ва олти кишининг бандлиги таъминланди. Шу кунга қадар «Yosh tadbirkorlar» коворкинг марказларида 1578 кишига бухгалтерия, юридик ва бошқа соҳаларда ёрдам кўрсатилди.

Ҳар бир секторда ишчи гуруҳ аъзолари билан биргалликда хонадонларга бирма-бир кирган ҳолда ҳамма сайёр қабулларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш чоралари кўрилувчи. Ушбу жараёнда 24600 дан зиёд фуқаро ва 1322 та юридик шахснинг мурожаатлари ҳал этилди. 36 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокурорларнинг сайёр қабулларида фуқароларнинг 6615 та муаммоси ҳал этилди. Ишсизлар ишга жойлаштирилди, муҳтожларга 310 млн. сўмлик моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатилди. 27 та кам таъминланган оиланинг хонадонлари таъмирлаб берилди. Бундан ташқари, 126 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилди ва 720 кишининг коммунал муаммолари бартараф этилди. Янги ўқув йили арафасида 220 нафар болага хомийлик маблағи ҳисобидан мактаб формаси ва ўқув куроллари олиб берилди.

Сайёр қабуллардаги мурожаатларга асосан шахсан прокурорлар масъулиятида 21,7 км. ичимлик суви, 8,7 км. электр тармоғи тортилиб, 7,2 км. зовур қовланди. 16 та сув минораси таъмирланди, 2450 та хонадон ва 12 та таълим муассасаси тоза сув билан таъминланди. 76 та кўчага шағал ётқизибли, 2850 та хонадонга кириб бориладиган ички йўллар текисланди. Масалан, Тошлоқ туманида ўтказилган сайёр қабулда Зиринлама қишлоғида яшовчи аҳолининг вакиллари бир йилдан буён ичимлик суви муаммоси ҳал бўлмаётганидан шикоят қилиб, шу масалада ёрдам сўраган. Вилоят прокуратурасининг ишчи гуруҳи ташаб-

буси билан «Фаргона азот» ОАЖнинг махсус техникаси жалб қилинди ва сув минораси ўрнатибли, тармоққа уланди. Шу тарика «Янгийўл» МФЙдаги Мирзо Улуғбек, Янгийўл, Топшиқлоқ ва Омад кўчаларида яшовчи аҳоли тоза сув билан таъминланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, даромадини ошириш борасида «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида сектор ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга жами 36 млрд. 200 млн. сўм кредит олишига ёрдам берилди.

Сектор ҳудудидаги ижтимоий аҳоли оғир хотин-қизларнинг 545 нафарига ёрдам кўрсатилди. Ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратибли келинди. 597 нафар ўқувчининг уй шароитида таълим олишини яхшилаш мақсадида стол-стул, китоб жавони ва ўқув куроллари етказиб берилди.

Прокурорларнинг ёрдами билан 4012 нафар фуқаро, шу жумладан, 2944 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Тиббий кўриқларда касаллиги аниқланган 13481 кишига даволаниш учун йўлланма, 1584 кишига бепул дори-дармон берилди.

Аҳолининг муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишга қаратилган тадбирлар туфайли 24190 та хонадоннинг электр энергияси билан боғлиқ муаммоси ҳал қилинди. Хусусан, Кўкон шаҳар «Муқимий» МФЙдаги хонадонларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида трансформатор ўрнатилди ҳамда 1,7 км. ҳаво узатмалари янгидан қурилди. Кува туманининг Туркравот, Новкент, Оккўрғон, Болалик ва Тожик маҳаллаларида жойлашган еттига трансформатор таъмирлангач, 250 дан ортиқ хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди.

Инвестиция дастурига киритилган ижтимоий соҳа объекларининг қурилиши назоратга олиниб, аниқланган қонунбузилишлар бартараф этилувчи. Хусусан, дастурга киритилган 78 та объектда 753,8 млн. сўмлик сифатсиз бажарилган ишлар аниқланиб, тўлиқ бартараф этилиши таъминланди.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида прокурорлар раҳбарлигидаги секторларда ташаббускор фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб келинувчи. Уларда 940 та тадбиркорнинг турли муаммолари ҳал этилди. Бўш турган бино

ва ерларнинг 1113 таси ёки 79,7 фоизи ишга туширилиб, 1376 та янги иш ўрни яратилди. Масалан, Данғара туманидаги бўш турган бинода «Мусаввар текс» МЧЖ томонидан 36 млрд. 400 млн. сўм инвестиция киритиш орқали қалава иш ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга инвестиция лойиҳасини тақдим этмаган ёки мажбуриятини бажармаган 1671 та объект эгаларига нисбатан 19 млрд. 700 млн. сўм солиқ қўлланиб, шундан 12 млрд. 100 млн. сўми ундирилди. Узок мудат самарасиз фойдаланиб келинган 161 та объектга тегишли ерлар туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорларига асосан захирага қайтарилди. Аввал хусусийлаштирилган ва бўш турган 33 та объект бўйича хусусий мулкни тасдиқловчи ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида маъмурий судларга даъво аризалари киритилди. Бундан ташқари, ишламаётган 2897 та кичик бизнес субъекти ва 7471 та тадбиркорнинг фаолияти прокурорларнинг ёрдами билан тикланиб, 6765 та иш ўрни сақлаб қолинди.

2019 йилда прокурорлар раҳбарлигидаги секторларда 68 млн. 900 минг АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестиция жалб қилинди. Хусусан, Фаргона шаҳрида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган «Uz-Segang» МЧЖ кўшма корхонаси ташкил этилиб, 2 млн. 250 минг доллар инвестиция киритилди.

Вилоятдаги 377 та корхона 273 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиб, бу борадаги режа 102,1 фоизга бажарилди. Вилоят прокуратураси томонидан экспортчи корхоналарнинг 41 та муаммосини ҳал этишда ёрдам кўрсатилди. Масалан, Олтиариқ туманидаги «Hamza expo art textile» МЧЖга тўқимачлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун банкдан 20 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ишлохотлар самараси ҳар қандамда кўзга ташланаёпти. Қурилишлар авж олиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам киффа касб этмоқда. Иқтисодиёт ривожланиши баробарида ижтимоий муаммолар ҳал қилинаёпти.

Улуғбек ҚОСИМОВ,  
Фаргона вилояти прокурори



Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2019 йилда қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олишга қаратилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.



## ФАОЛИЯТ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда ҳайъат қарорлари ижросига қаратилди.

Таъкидлаш керакки, ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш билан чекланиб қолмасдан, қонунбузилишларнинг сабабларини ҳам бартараф этиш чоралари кўрилмақда. Жумладан, қонун ҳужжатларининг талабларини аҳолига ўз вақтида етказиш орқали қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида 9127 та тарғибот тадбири ўтказилди.

### 19 млрд. сўмлик қум-шағал ноқонуний қазиб олингани аниқланди.

Қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида 6656 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 5106 нафар жисмоний ва юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган зарарнинг 48,8 млрд. сўми ёки 81 фоизи ундирилди. Жиноят ҳақидаги 4283 та ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказилиб, қонуний қарор қабул қилинди.

Прокурорлар томонидан халқ депутатлари кенгашларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида 54 марта ахборот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида прокурорлар секторидagi 160 042 та хонадон ўрганилди. Натيجада 6664 та шахсий муаммо аниқланиб, шундан 6000 таси бартараф этилди. 1227 та кам таъминланган оиланинг 1002 таси ишга жойлаштириш, кредит ажратиш, тадбиркорликка жалб этиш орқали кам таъминланганлар рўйхатидан чиқарилди.

Бош прокуратура ташаббуси билан Охангарон шаҳри, Охангарон ва Беко-

бод туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмушини яхшилаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Биноларнинг фасадни, савдо расталари, бекат ва бошқа объектлар замонавий шаклга келтирилди, китоб дўкони, савдо шох-бачалари қурилди, йўлаклар атрофи ободонлаштирилиб, истироҳат боғи, ўйингоҳлар ташкил этилди. Охангарон туманининг чекка, ижтимоий-иқтисодий ва коммунал шароити оғир бўлган Янгиҳаёт, Эйвалек, Тошсой ва Шоштёпа қишлоқлари ҳам асосан ҳашар орқали ободонлаштирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган йили ижтимоий, иқтисодий соҳадаги қонунлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ушбу йўналишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида 23 та тақдимнома, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 15 та протест киритилди, 12 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 31 кишининг ҳуқуқи тикланди, жиддий қонунбузилишлар юзасидан иккита жиноят иши кўзғатилди.

Табиатни муҳофаза қилиш борасида кескин чоралар кўрилди. Биргина ўтган йили хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 22 та ҳолатда 19 млрд. сўмлик қум-шағал ноқонуний қазиб олингани аниқланиб, жиноят иши кўзғатилди ва айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланди.

### Умумий жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 2,6 фоиз камайишига эришилди.

Соғлиқни сақлаш бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 59 та тақдимнома киритилди, 37 та қонунга зид ҳужжат протест келтириш йўли билан бекор қилинди, 443 нафар мансабдор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 38 млн. сўм зарар ундирилди. Мазкур тизимдаги ишлар тўғри ташкил этилмагани сабабли аниқланган қўпол қонунбузилишлар юзасидан 19 та жиноят иши кўзғатилди. 16 та жиноят иши бўйича 19 кишига

нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган. 3 та жиноят иши бўйича тергов ўтказилмақда. Мисол учун, вилоят ДСЭ-НМ мансабдорлари бир ставка ишга расмийлаштирилиши лозим бўлган 24 нафар ходимга ўриндошлик асосида 1,3 ставка иш ҳақи ҳисоблаб тўлаши натижасида давлатга 277,8 млн. сўм зарар

### Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй қурилиши ва ободонлаштириш дастурларининг бажарилиши бўйича 15 та жиноят иши кўзғатилди.

етказилгани учун айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

2019 йилда 428 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал этилиб, уларнинг 74 нафарига 2,8 млрд. сўм кредит, 17 нафарига 98,2 гектар ер ажратилиши, 84 нафари коммуникация тармоғига уланиши, 256 нафарининг фаолияти тикланиши таъминланган. 1925 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 5155 та янги иш ўрни яратилган. Жумладан, «Parkent Falcon» МЧЖга Паркент тумани Қизгалдок қишлоғи ҳудудидан 2,14 гектар ер, Янгийўл шаҳрида Б.Ёқубжоновга «Ёшлар – келажакимиз» давлат дастури доирасида «Ипак йўли» банкининг Янгийўл шаҳар филиалидан 250 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланди. Бундан ташқари, Охангарон шаҳар ҳокимлигидан «Usta» ХКга 5,3 млрд. сўм, «Munavvar tong zamini» фермер хўжалигига 865 млн. сўм тоvon пули ундириш юзасидан судга даъво аризалари киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан худудларда экспортчи қорхоналарнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб, уларнинг муаммолари жойида бартараф этилди. Хусусан, 14 та қорхона экспортга жалб қилиниб, бундай қорхоналарга жами 379 млн. сўмдан зиёд кредит ҳамда 959 гектар ер ажратилиши ва 17 та тадбиркорлик субъектига кадастр ҳужжатлари расмийлаштиришда ёрдам кўрсатилди. Масалан, Ўртачирчиқ туманидаги «Nusrat Eksim» МЧЖга сабзавотчилик йўналишида 44 га., Пискент туманидаги

«Zohidjon omad manbai» МЧЖга 43 га. ер ажратилган.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй қурилиши ва ободонлаштириш дастурларининг бажарилиши назорат қилиб борилди ва аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 15 та жиноят иши кўзғатилди.

Чет эл инвесторлари ва хорижий инвестиция иштирокидаги қорхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Мисол учун, «Hebei-neo-tex» МЧЖ директори Ж.Ширинов ушбу жамият таъсисчиси – Хитой фуқароси Лиу Жинжоннинг иштироки-сиз жамиятга тегишли 518,5 млн. сўмлик мулк шаклидаги улушларни онаси З.Ширинова раҳбарлик қилаётган «Spring colours industry» МЧЖга ўтказиб, ушбу мулкларни ноқонуний эгаллаб олгани бўйича ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзғатилган.

Инвестиция дастури асосида ижтимоий ва бошқа объектларнинг қурилиши, таъмирланиши ҳам назоратга олинган. Жумладан, «Energo school» МЧЖ Ангрэн шаҳридаги 18-мактабга таълим муассасаси биносини таъмирлашда 798,5 млн. сўмлик ишларни қўшиб ёзгани аниқланиб, жиноят иши кўзғатилди. Шунингдек, Бўстонлик туманидаги 15-мактаб ва Қўшқўрган қишлоғидаги врачлик пункти, Бекобод туманидаги 38-мактаб, Оккўрган туманидаги 20-мактаб ва туман тиббиёт бирлашмасида қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилгани ҳамда қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди.

Вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилди. Натيجада умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 фоиз камайишига эришилди.

Ҳайъат мажлисида соҳада ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам йўл қўйилгани қаттиқ танқид остига олинди, келгусидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Салом САМАДОВ,**  
Тошкент вилояти прокурори

«Тошкент — Андижон» пулли автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси доирасида Қамчиқ довонида пулли тоннел қурилади.





## FAOLIYATIDAN

Нефть ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари мамлакатимизнинг стратегик аҳамиятга эга бойликлари сирасига киради. Уларни талон-торож қилиш иқтисодийетимизга путур етказиши. Афсуски, айрим ҳамюртларимиз буни жуда яхши билса-да, кўпроқ пул топиш илинжида тартиб-қоидаларни бузишмоқда. Оқибатда эса...

## БАКИ ЙЎҚ АВТОБУСГА БЕНЗИН

Х.Т. Қибрай туманидаги «4-монтаж бошқармаси» АЖга бош механик бўлиб ишга жойлашганида энди пичоғим мой устида бўлади деб ўйлаган чамаси. У талон-торож қилган ёнилғи канчадан-канча техникаларни ҳаракатга келтириши, бу орқали юртимиздаги бир қанча манзиллар обод бўлишини хаёлига ҳам келтирмади. Фақат мўмай даромад орттиришини ўйлади.

Х.Т. 2017 йилнинг апрель ойида мазкур лавозимга тайинланган, дастлаб жамиятга тегишли ПА3 автобусдан фойдаланиб, бензин сотишни бошлади. Чунки бу автобус бир неча йил аввал газда юришга мослаштирилган бўлиб, бензин баки ҳам олиб ташланган эди. Х.Т. эса айнан шу автобусга қалбаки йўл варақалари расмийлаштириб, унинг юриши учун бензин сарфланаётганидек қилиб кўрсатаверди. Ишлари хамирдан кил суғургандек осон кетаётганидан рухланган бош механик энди дизель ёнилғисини ҳам сота бошлади. Хужжатини тўғрилашга келганда эса

жамиятга тегишли юк машиналарининг сарфига кўшиб кўяверди. Шу тарика 8176 литр бензин ва 15887 литр дизель ёнилғисини талон-торож қилди.

Х.Т.га ёнилғи сотишдан келаётган пул камлик килди, шекилли, жамиятга тегишли 12 млн. 800 минг сўмлик экскаваторни ҳам пуллаб юборди. Текширишда бу шахс ўз фаолияти давомида ноқонуний қилмишлари билан жамиятга 147 млн. 385 минг сўм зарар етказгани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани суди томонидан унинг қилмишлари атрофлича кўриб чиқилиб, ҳукм ўқилди: Х.Т. бир йилу уч ой муддатга раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, жарима жазосига тортилди.

**Соҳиб УМАТОЛИЕВ,**  
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси инспектори

## СОХТА ДИПЛОМЛИ БОШЛИҚ

Департаментнинг Нишон тумани бўлимига туман маданият бўлимига қарашли «Туркменистон» маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Р.Д.дан мурожаат келиб тушди. Унда қайд этилишича, туман маданият бўлими мансабдорлари марказ ходимларига иш ҳақи тўлашда талон-торожга йўл қўйишган.

Мурожаат юзасидан ўтказилган терговга қалар текширувда аниқланишича, 2016 йилда етти ходимга 2 млн. 254 минг 900 сўм, 2017 йилда икки ходимга 143 минг 800 сўм, 2018 йилда етти ходимга 4 млн. 276 минг 800 сўм, жами 6 млн. 675 минг 400 сўм иш ҳақи асосиз тўлашиб, ўзлаштирилган.

Шунингдек, туман маданият бўлими бошлиғи Ш.Х.нинг дипломи қалбаки эканлиги ҳам ошкор бўлиб қолди.

Жиноят кодексининг тегишли моддалари қўлланиб, туман маданият бўлими мансабдорларига нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Лазиз ТЎЛҚИНОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



## ҚИНҒИР ИШ...

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Урганч тумани «Юкоридўрмон» кишлоғи «Анжирчи» маҳалласида яшовчи фуқаро Рустам Абдуллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Хива тумани «Журён» кишлоғида яшовчи фуқаро Жасур Эгамов Янгибозор тумани, Бўзқалъа кишлоғида жойлашган «Пахта тозалаш» АЖга қарашли ферма ҳудудида харидорга ҳар бир АҚШ долларини 8120 сўмдан хисоблаб, олдиндан келишилган 40 минг АҚШ долларидан 20 минг АҚШ долларини сотиб, 162 миллион 400 минг сўм пулни олаётган вақтда ушланди. Ўтказилган тезкор тадбир давомида харидордан 20 минг АҚШ доллари, ҳуқуқбузар Рустам Абдуллаевнинг машинасидан 11 миллион 838 минг сўм ҳамда ҳуқуқбузар Жасур Эгамовнинг автомашинасидан 2 млн. 546 минг сўм пул топилиб, ашъвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қинғир иш – келтирар ташвиш деганларидек, валютафурушларнинг ноқонуний ҳаракатлари узокка чўзилмади.

Мазкур ҳолат юзасидан ушбу ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

**Неъматжон АВАЗОВ,**  
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



## ТЕКИННИНГ ТИКАНАГИ

Бу нақл мағзини чақиб кўрмаган Алишер Авлиёқулов шериги Санжар Ражабов билан текин даромад топиш устида бош қотирди. «Enter engineering» корхонасида бири хазиначи, иккинчиси оддий ишчи эди, улар ваколатли танишларини ишга солиб, одамларни ишга жойлаштириш режасини тузишди.

Шундай кунларнинг бирида Жасур Тешаев Алишер Авлиёқуловга «Enter engineering» корхонасида ишга кирмоқчи эканлигини айтди.

– Мен бир гаплашиб кўраман. Лекин, биласиз, бу иш харажатсиз бўлмайди... Биз кадргадиларга берамиз.

– Майли, гаплашиб кўринг-чи.

Алишер шериги Санжарга телефон қилиб Жасурнинг илтимосини етказди.

– Қанча деймиз ишга кириш нархини?

– 400 АҚШ доллари деявер.

Ишга кириш нархи дарҳол Жасур Тешаевга маълум қилинди.

Алишер анойи эмас, у бу нарх устига яна 100 доллар кўшиб таклифни Ж.Тешаевга етказди.

Ж.Тешаев ҳозирча 250 доллар беришга рози бўлди. У пулни «воситачи»га етказди. Бироқ А.Авлиёқуловнинг қувончи узокка чўзилмади. Ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари деб таништирган йигитларга жиний шеригини ҳам фош этди. Тезкор тадбир давом эттирилди.

А.Авлиёқулов билан «Карвон бозор» рўпарасидаги бош бекатда учрашган Санжар Ражабов беш-ўн дақиқадан сўнг нимадир бўлишини билганида эди...

Судда улар устидан ҳукм ўқилди. А.Авлиёқулов иш ҳақининг 30 фоизини давлатга ўтказиш шarti билан 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишларига, С.Ражабов маошининг 20 фоизини давлатга ўтказиш шarti билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

**Бобир ҲАЛИМОВ,**  
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори

Бугун банкларимиздан хориж валютасини бемалол олишимиз ва сотишимиз мумкин. Аммо айрим кимсалар борки, банкка боришга эриниб, кўчадаги валютафурушлар билан олди-берди қилишни афзал билади. Оқибатда эса...

## АРЗИМАГАН ФАРҚНИ ДЕБ...

Дўстмурод Турдиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) якка тартибдаги тадбиркор, ишининг ортидан яхшигина даромад қилиб, оиласини боқадди, ҳатто унча-мунча ортириб ҳам қўйган экан. Йигиб қўйганларини санаб кўрса, оз эмас – 12 минг доллар бўлибди. Бу пулга яна бир бизнесни йўлга қўйса бўлади. Фақат долларни сўмга алмаштиришни ўйлади. Дарҳол телефонини олиб, таниш-билишларидан долларнинг курсини суриштирди. Тахлил қилса, банкда валютафурушлар олаётган нархдан озгина арзонроқ экан. Аслида бу фарқ саррофларнинг тузоғи эди. Шу озгина фарқ Д.Турдиевнинг ноқонуний савдога қўл уришига сабаб бўлди.

Хуллас, Д.Турдиев 12 минг долларига харидорни кўчадан топди. Ўзини Аллома деб таништирган аёл ундан пулни сотиб оладиган бўлди. Улар Қорасув мавзесидаги автотураргоҳлардан бирида

учрашадиган бўлишди. Аммо Д.Турдиев арзимаган фарқни деб йикқан маблағидан айрилди. У 12 минг долларни Алломага 102 млн. сўмга сотган вақтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Аслида Алломага доллар зарур эди, лекин у қилаётган иши қонунга хилоф эканлигини англаб, тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди. Шу тарика бу ноқонуний савдога чек қўйилди.

Суд Д.Турдиевга 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Унга тегишли бўлган 12 минг доллар эса қонунларимизга хилоф равишда сотилган учун давлат эғалигига ўтказилди.

**Шохруҳ ИБРОҲИМОВ,**  
департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими суриштирувчиси



Хозирги даврнинг глобал муаммоларидан бири гиёҳвандликдир. Шу боис бутун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам унга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Бироқ бугун айрим ёшлар гиёҳвандликнинг бошқа йўлини ўйлаб топиб, бу балого ўз тенгдошларини ҳам гирифтор қилишяпти.

Аслида «Лирика», «Трамадол» ва таркиби шунга ўхшаш дорилар кучли оғриқ қолдирувчи ҳисобланади. Улар асосан ўта оғир аҳволдаги беморларга шифокор рецетпи асосида берилади. Буни истеъмол қилган бемор оғриқни буткул сезмайди. Лекин унинг кўп миқдорда истеъмол қилиниши каттагина гиёҳванд қилиб қўяди. Дастлаб бу дорининг таъсири унча сезилмайди. Аммо уни истеъмол қилишга ўрганган шахс аста-секин унинг миқдорини ошириб боради ва дорини ичмаса тутканок тутгандек қалтирай бошлайди. Бундай пайтга кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Нима қилиб бўлса ҳам шу дорини топиш пайида бўлади. Аслида бу каби дорини истеъмол қилиш саломатлик учун жуда хавфли. Энг ёмони, бундай дориларни истеъмол қилган одам унинг таъсирида жанжалга мойил бўлади.

Шунинг учун ҳам 2018 йил 22 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар қилinish тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга кўра психотроп моддалар ҳисобланган «Трамадол», «Лирика» каби дорилар наркотик моддалар таркибига киритилди. Ушбу дорилар ноқонуний сотилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар кучайтирилди.

Ж.Анваров Тошкент давлат иктисодиёт университетиде ўқиб юрган кезлари бир гуруҳ болалар билан танишиб, улардан «Трамадол ланнахер» номли дорини ичишни ўрганади. Бора-бора унга ўрганиб, гиёҳванд бўлиб қолади. Мунтазам истеъмол қилинган дори вақт ўтган сайин Жавлонбекнинг салбий томонга ўзгартири бошлайди. Энди у безорилик қилиб ҳаётдан завқ олишга одатланади. Бир куни ўқипдан чиққан Жавлонбек хар доимгидек ўзига ўхшаган бангилар билан учрашиб дори истеъмол қилади ва унинг таъсирида йўл ёқасида турган «Ласетти» автомашинасини ўғирлайди. Гувози бўлганингиздек, гиёҳвандлик воситаси ёшгина йигитни жиноятга бошлади. Жавлонбек ўғирланган машинада узоқ саёҳат қила олмайди. Хукук-тартибот идоралари томонидан тезда қўлга олинди, жиноят иши очилди. Тергов жараёнида у ўқидан хайдал-



# ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ ДОРИДАМИ?

Жавлонбек Анваров (исм-фамилияси ўзгартирилган) 24 ёшини темир панжара ортида қарши олди. У билан бирга олий ўқув юртига кирган тенгқурлари аллақачон ўқишни тугатиб, бир ишнинг бошини туттишган. Ж.Анваров эса ҳаёт лаззатини маишатда деб билди. Ўзига ўхшаган уч-тўрт бекорчи гунаҳкори билан кайф-сафога берилди. У тиббиётда аслида бошқа мақсадда фойдаланиладиган «Лирика», «Трамадол» каби дорилардан кайф-сафо учун татиб кўрди. Бу дорилар таъсирида бора-бора эс-ҳушидан айрилди ва гиёҳванддан фарқи йўқ кимсага айланди. Охир-оқибат узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Лекин судда Жавлонбекнинг ёшлиги, биринчи марта бундай ишга қўл ургани эътиборга олинди ва унга жарима қазоси тайинланди.

Келаси йили Ж.Анваров ўқишини тиклайди. Ота-онаси ўзининг машинаси бўлса, бошқа бундай ишга қўл урмайди деган ўйда унга «Ласетти» олиб берилади. Муаммолари ортда қолган йигит, афсуски, эски хунарини ташламайди. Энди у ўз машинасида йўлдаги бошқа одамларнинг ҳаётини хавфга қўйиб, кўп қоидабузарликлар содир этади. Оқибатда ота-онаси катта миқдорда жарималар тўлашга мажбур бўлади. Фарзандининг бундай қилмишлари ҳикилдоғига келган ота-она ундан автомашинани олиб, қалити ва ҳужжатларини яшириб қўядилар. Ўқишини эса молия институтига қўчирилади. Бу билан ҳам ўғилнинг қилиқлари барҳам топмайди. Ўқини баҳона уйдан чиқиб кетиб, аввалги ишини давом эттираверади. Ж.Анваров бу юришларнинг охири вой бўлиб, шу пайтгача ҳеч кимга яхшилик келтирмаганини тушунади ёки тушунаса-да, бу йўлдан қайтмайди.

2019 йилнинг 2 март куни

«Ўрикзор» бозоридеги ўзига тегишли дўконга бориб, зериқкунича ўша ерда ўтиради. Орадан бир неча соат вақт ўтган суякларни қашаб оғрий бошлаганини хис қилади. Сал ўтмай муздек тер чиқиб қалтирай бошлайди. Дарҳол телефонини титқилаб, ўша дорини сотувчиларини излашга тушади. Жавлонбек излаган дорилардан бири тезда топилақолди. Ай-тилган манзилга бориб, дори эгаси билан олди-берди қилгач, икки донасини дарҳол сув билан ичиб олди. Орадан кўп ўтмай суякларининг зирқираб оғриши қолди, лекин бирор сабабсиз фиғони фалакка чиқиб, асабийлаша бошлади. Бу ҳолат эса ўша дорини мунтазам ичишининг оқибати эди.

Ж.Анваров уйига келганида соат эндигина ўн яримдан ўтганди. Кийимини алмаштириб, ошхонага кирганида опаси Дилором Анварова телефонда ким биландир гаплашиб ўтирарди. Дори таъсирида асабийлашган Жавлонбекка бу ҳолат ёқмайди. Дарҳол опасини сўроққа тутди. Аммо опа укасининг саволларига «Сенинг нима ишинг бор?» дея савол билан жавоб қайтаради. Шу орада

опа-ука ўртасида гап қочиб, жанжал бўлади. Опа укасининг дори таъсирида эканини қайдан билсин? Билганида балки тортишиб ўғирмасми, ота-онасини куйдириб, уйдан пул ўғирлаганларини укасининг юзига солмасми...

Дори истеъмоли ортидан ихтиёрини шайтоннинг измига топтириб қўйган Жавлонбекнинг ёдига опасининг машинасида турадиган пичок тушади. Дарҳол пичокни олиб келади ва опасига ўқталади. Дилором эса укасига энди шу ипни қилишини қолувди деб унинг қўлига урганида пичок Жавлонбекнинг оёғини жароҳатлайди. Бундан ғазабланган Ж.Анваров ўз опасига бир неча дақиқада 25 марта пичок уради. Оқибатда Д.Анварова воқеа жойида вафот этади.

Ўз жигарининг қотилига айланган йигит опасининг жасадини одеялга ўрайди ва судраб

Яхшиямки ота қаршилиқ кўрсатиб, ўглининг қўлидан пичокни тортиб олади. Шундан сўнг Ж.Анваров опасининг машинасини хайдаб уйдан қочиб кетади. Бу орада Жавлонбекнинг онаси келиб, турмуш ўртоғига ёрдам кўрсатади, мазкур ҳолат бўйича тегишли жойга хабар беради. Шу куннинг ўзида Ж.Анваров хукук-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Ўз қилмишларига иқдор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг мажлисида Ж.Анваров бу ишларни дори таъсирида содир қилганини айтиб, қилмишини ҳаспўшламоқчи бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг 56-моддаси «о» бандида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идроқига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсирида жиноят содир этиш ҳазони оғирлаштирувчи ҳолат деб белгилаб қўйилган. Суд ҳукм ўқиди. Унга кўра Ж.Анваров 17 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Шу ўринда хулоса қиладиган бўлсак, инсон ҳаётга бир марта келади. Зеро, умр бу фаний дунёда энг бебаҳо неъмат саналади. Унинг қанча давом этиши ва қандай кечиси эса аввало, тансиҳатликка боғлиқ. Шу боис одамзод соғлиқни туман бойликка менгзайди, ўз-ўзини танигандан буён мудом уни асраб-авайлашга интилади. Турли хасталиқларни даволаш, олдини олиш ва асоратларини йўқотиш чораларини кўради. Минг хил дориларни қашқ қилиб, янги-янги муолажа усулларини яратади. Илло, асалнинг ози ширин бўлганидек, хар қандай шифобахш неъматни ҳам метёрида истеъмол қилиш лозим. Дори-дармонлардан фойдаланишда эса шифокор тавсиясига риоя этиш жоиз. Айнакиса, инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатувчи психотроп моддалардан зинҳор-базинҳор ўзбошимчилик билан фойдаланмаслик керак. Акс ҳолда улар шифо омилга эмас, саломатлик қушандисига, умр заволига айланади.

Модомики, шундай экан, биз жиноятларга қарши курашиш фақат хукук-тартибот идораларининг вазифаси дея маҳалла фаолларига маладкор бўлмоғимиз даркор. Ана шунда юртимиз тинч, кўнглимиз хотиржам, турмушимиз фаровон бўлади.

Қамолиддин АСҚАРОВ,  
«Низол»





## FAOLIYATIDAN

Юртимизда қонуний ишлаётган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Гуруч қурмаксий бўлмагани каби энергия тармоқларига яширинча улашиб олган «ишбилармон»ларга эса қатъий чоралар кўрилмақда.

МИБ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор ходимлари табиий газ тармоғига ноқонуний уланishларни бартараф этиш бўйича

## Газ ўғрилари

Ўтказган тадбирларда «Қувасой ал-Малик» хусусий корхонасига қарашли оҳак цехи 2019 йилнинг 28 октябрь куни табиий газ тармоғидан узилгани ҳолда корхона мутасаддилари ўзбошимчалик билан тармоққа яна улашиб олгани аниқланган. Қайта ҳисоб-китоб қилиш комиссиясининг ҳулосасига кўра улар 64431 метр куб ёнилгини сарфлаб, «Худудгаз Фарғона» МЧЖга 61 млн. 431 минг сўмлик зарар етказган. Корхона мансабдорларига Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup>-моддаси талаблари тушунтирилган, жиноий қилмишлари оқибатида етказилган зарарни қоплайдиган бўлиши.

Шу каби Ўзбекистон туманидаги «Илҳом шукр барака» хусусий корхонаси табиий газ тармоғига ноқонуний улашиб, оҳак ишлаб чиқараётгани фош қилинди. Жиноий қилмиш билан 63 млн. 705 минг сўмлик зарар етказгани аниқланган

корхона раҳбари И.Е. моддий зарарни қоплаш ҳаракатига тушди.

Қўқонбой қишлоғида жойлашган «Кўлгана чорва истикболи» оилавий корхонасига қарашли оҳак цехи ҳам табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келган. Устомон тадбиркор А.У. оҳак ишлаб чиқаришга 149 млн. 722 минг сўмлик табиий газни сарфлаб юборган. Бюронинг Учкўприк тумани бўлими томонидан терговга қадар текширувда ҳуқуқбузарга ўтгиз кун ичида етказилган зарарни қопласа, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тушунтирилди. Ушбу имкониятдан фойдаланмай, моддий зарарни тўлашдан бўйин товлаган А.У.га нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

**Зоҳиджон МАМАЖОНОВ,**  
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси катта суриштирувчиси

\*\*\*

Кишда ҳароратнинг пасайиши оқибатида энергия ресурсларига эҳтиёж кескин ортади ва айрим истеъмолчиларнинг табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб талон-тарож қилиши қузатилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Юнусобод тумани бўлими томонидан 2019 йилнинг 1 ноябрдан 31 декабрга қадар туман ҳудудида тезкор қидирув ва мониторинг тадбирлари ўтказилди. Натيجада 37 та хонадон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 140-банди ҳамда 2002 йил 28 мартдаги 99-қарори билан тасдиқланган «Газни хи-

собга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яхка тартибдаги уйларида ўрнатилган ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низомининг 44-бандига зид равишда қўлбола печни табиий газ тармоғига ҳисоблагичсиз, тўғридан-тўғри улаб, жами 1,56 гектарлик иссиқхонани иситиш учун табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келгани аниқланди.

Жумладан, Юнусобод тумани Хўжаобод 1-тор кўчаси 13-уйда яшовчи Д.М., Тош-

кент вилояти Тошкент тумани «Ҳасанбой» МФЙ Х.Каримов кўчаси 58-уйда яшовчи Д.У., Ахроробод кўчаси 99-уй эгаси З.Х. ва бошқалар 194010 м<sup>3</sup> табиий газдан ноқонуний фойдалангани ва давлатга 73 724 058 сўмлик моддий зарар етказгани аниқланди.

Аниқланган зарар тўлиқ қопланди.

**Фурқат Йўлдошев,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим катта инспектори

## Фуқаро мурожаати қаноатлантирилди

Мажбурий ижро бюросининг Навоий вилояти бошқармаси, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан «Жисмоний ва юридик шахларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар қилиниб, 2019 йилда жами 4614 та ариза ва шикоят белгиланган тартибда ўрганиб чиқилган ва натижасига кўра 2130 таси қаноатлантирилиб, 2,2 млрд. сўмдан зиёд маблағ ундирилган.

Хусусан, бошқарма томонидан «Heating Radiators» МЧЖ директори В.Файзиевнинг «Айгерим-Алмагул» хусусий корхонасидан қарзини ундириш ҳақидаги мурожаати асосида 13 млн. 594 минг 218 сўм пули ундириб берилиб, фуқаронинг мурожаати қаноатлантирилган.

Бюронинг Зарафшон шаҳар бўлими томонидан фуқаро К.Д.нинг бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун Д.Н.дан алимент ундириш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш давомида қарздор илгари маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг ҳам алиментни тўламагани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Д.Н.га нисбатан ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, айблов далолатномаси билан

жиноят ишлари бўйича судга юборилган ва жазо муқаррарлиги таъминланган.

Шу билан бирга, аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида кўриб чиқиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказилаяпти.

Мажбурий ижро бюроси Навоий вилояти бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳолисона кўриб чиқилиши, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши қатъий назоратга олиниб, келиб тушаётган мурожаатлар ўз вақтида ҳал этилиши таъминланмоқда.

**Феруза МАМАНОВА,**  
МИБ Навоий вилояти бошқармаси катта инспектори

Айрим фуқароларимиз хизмат вазифасини бажараётган МИБ ходимларига қаршилик қилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

## Алимент масаласи мушт билан ҳал қилинмайди

2019 йил 30 август куни соат 15:30 ларда Мажбурий ижро бюроси Риштон тумани бўлими давлат ижрочиси М.Облабдиев иш юритувидаги фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо судининг М.Мелибоевдан Т.Мелибоевага вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича Риштон тумани «Учариқ» МФЙда қарздор билан учрашган. У М.Мелибоева алиментдан қарзи борлигини, уни тўлаши лозимлигини, акс ҳолда МЖТКнинг 474-моддаси асосида маъмурий жавобгарлик масаласи кўрилиши ҳақида огоҳлантириб, ижро ҳужжати юзасидан бюронинг Риштон тумани бўлимига боришини маълум қилганда М.Мелибоев давлат ижрочиси М.Облабдиевнинг ҳақоратлаб, уриб, унинг ўнг елкасини синдирган ва бошқа жароҳатларни етказган.

Маъмур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан М.Мелибоевга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилган ва жиноят иши айблов ҳулосаси билан жиноят ишлари бўйича Риштон тумани судига юборилган.

Жиноят иши суд томонидан бюронинг Риштон тумани бўлимида ўтказилган суд мажлисида алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган қарздорлар иштирокида кўриб чиқилди. М.Мелибоев ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, олти ойга озодликдан маҳрум қилинди.

**Умид МИРЗАЕВ,**

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ катта криминалисти

## Солиқ қарзини тўлаб берди

Пайриқ туманларо иқтисодий судининг «Иштихон агросервис» машина-трактор паркидан Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясига солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси Иштихон тумани бўлимига келиб тушган. Шу куннинг ўзида ижро ишини юритиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, нусхалари тарафларга юборилган.

Ижро ҳаракатлари давомида «Иштихон агросервис»нинг банк ҳисобрақамларининг чиқим қисмига банд солинган. Қарздорга тегишли бўлган мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга сўров хатлари юборилган.

Шунингдек, қарздорга тегишли «Кейс» русумли галла комбайни хатланиб, Жиноят кодексининг 233-моддаси тушунтирилган ҳолда қарздорнинг вақилига топширилган ва «E-jro aukcion» ягона электрон савдо майдончаси орқали савдога чиқарилган.

Маъмур ижро ҳужжати юзасидан олиб борилган ишлар давомида «Иштихон агросервис» машина-трактор паркидан Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясига 105 миллион сўм солиқ қарзи ундириб берилди.

**Давлат ОБЛАҚУЛОВ,**

МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

## Таъминотчи корхонадаги фирибгар

Ҳақ-ҳуқуқларини англаган фуқаро ҳуқуқи поймол этилганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиши лозим. Шундай мурожаатлар туфайли яна бир фирибгар фош этилди.

Терговга қадар текширув давомида аниқланишича, Жондор тумани ЭТКнинг МИБ билан ҳамкорликда ишловчи муҳандиси Б.Жўраев 2018 йилда Ҳ.Раҳимовга алдаб, цехида фойдаланган электр энергиясидан қарзи борлигини айтиб, хизмат вазифасига кирмас-да, ундан тўрт марта 500 минг сўмдан, жами 2 млн. сўм, шунингдек 2019 йил январь ойда 100 минг сўм, июль ойда 500 минг сўм, жами 2 млн. 600 минг сўм пулни алдаб олиб, банкка қирим қилмасдан, истеъмолчининг абонент ҳисобига ўтказмасдан ўз эҳтиёжи учун ишлатиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Ҳ.Раҳимовнинг аризаси бўйича бюронинг Бухоро вилояти бошқармаси ва Жондор тумани бўлими ходимлари ҳамкорликда 2019 йилнинг 9 август куни Жондор туманида ўтказган тадбирда Б.Жўраев Ҳ.Раҳимовга алдаб олинган пулнинг бир қисми, яъни 500 минг сўмни қайтариб бераётган вақтда ушланган.

Маъмур ҳолат юзасидан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

**Азамат ДЖАЛИЛОВ,**

МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори



# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Икромжон Азимов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги 37 йиллик меҳнат фаолияти давомида Андижон вилояти прокуратураси идораларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди. Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимилик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Бугун сафимизга кириб келадиган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Икромжон Азимовнинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Икромжон Азимов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, узок умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ҳарбий прокуратура фахрийси Суюн Чориев қутлуғ 60 ёшни қарши олмақда.



У Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратура органлари тизимидаги хизмат фаолияти давомида Тошкент гарнизони ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори, Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг қатта ёрдамчиси, Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Хизмат жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсе-

варлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат ва эътиборини, ишончини қозониб келди.

Суюн Чориевнинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Суюн Чориев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси жамоаси

JINOYAT VA JAZO

## ДАЛАҲОВЛИ МАШМАШАЛАРИ

Дам олиш ҳам маданиятнинг бир қўриғи. Бундай маданиятга эга одам табиат қўйнига тоза ҳаво, гўзал манзаралардан баҳраманд бўлиш, руҳий ва жисмоний чарқокни қувиш, ўзи ҳам табиатнинг ажралмас бир бўлаги эканини ҳис қилиш учун боради.

Бироқ баъзилар табиат қўйнида ўзини оdatлагидан эркинроқ, ҳатто маданиятсиз одамдай тута бошлайди. Қўйидаги икки ҳолат мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Ёз чилласи. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшовчи Хайридин Убайдуллаев (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ҳам оила аъзолари билан дам олгани Бўстонлик туманидаги Хўжакент қишлоғига қараб йўлга чиқади. Шу қишлоқдаги далаҳовлилардан бирини ижарага олиб, фарзандлари, қариндошлари билан тўқтин дастурхон атрофида жам бўлишади. Бироқ хордиқ чиқариш деганда машина юкхонасини тўлдириб келган спиртли ичимликларни сувдай симиришни тушунган Хайридин тез орада маст бўлиб қолади. У мастлиги тарқаб ўзига келганида табиат қўйнида эмас, панжара ортида эди.

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик тумани судида Х.Убайдуллаевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди. Аниқланишича, судланувчи Х.Убайдуллаев 2019 йил 27 июль кун оила аъзолари билан биргаликда фуқаро А.К.нинг Бўстонлик тумани Хўжакент қишлоғидаги хонадонига дам олиш учун келиб, спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда А.К.нинг оила аъзолари билан жанжаллашиб қолган. Уларни ажратмоқчи бўлган А.К.нинг отаси М.А.ни уриб жароҳат етказган.

Шундан сўнг А.К. Бўстонлик ту-

мани ИИБ профилактика инспектори Ш.И.нинг телефонига кўнгирак қилиб, жанжал ҳақида маълум қилган. Инспектор унинг уйига келиб, Х.Убайдуллаевга бўлиб ўтган ҳолат юзасидан ИИБ биносига бориб тушунтириш беришини сўраганида Х.Убайдуллаев хизмат вазифасини бажарётган инспекторга қаршилиқ кўрсатган ва унинг юзига боши билан уриб жароҳат етказган.

Суд Х.Убайдуллаевнинг айбига қисман икромлиги, содир этган қилмишдан пушаймонлигини жавобгарлиқни энгиллаштирувчи ҳолат деб топгани ҳолда, у ушбу жиноятни маст ҳолатда содир этганини жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблади. Суд ҳужми билан Х.Убайдуллаевга ҳар ойда иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Иккинчи ҳолат «қахрамони» Серикбай Даурбеков Бўстонликда тутилган. Шаҳардан «дам олиш» учун келган бебош йигит-қизларга ўзининг беминнат хизматини таклиф қилган С.Даурбеков далаҳовлиларда фоҳишахона ташкил этиб, 800 минг сўм эвазига икки йигит ва икки қизнинг ахлоқсизликлари учун шароит яратиб берган вақтида ИИБ ходимлари томонидан фoш этилган.

Суд С.Даурбековнинг айбига тўлиқ икромлигини, содир этган қилмишдан пушаймонлигини жавобгарлиқни энгиллаштирувчи ҳолат деб топди ва унга 400 соат мажбурий жамоат ишлари жазосини тайинлади.

**Баҳодир ҚОРАЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Бўстонлик тумани суди раиси

JARAYON

## ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Бу нақла амал қилган одам ҳаминша ўзини хавфсиз сезади. Хусусан, пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларда жойлашган хонадонларнинг бирига унда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, эшик қулфини қалит танлаш йўли билан очиб кирган жиноятчи уй эгасининг мулкани талон-тороғ қилаётган вақтида қўлга олинди.

Маълум бўлишича, ўғри уйга кирганида хонадонга ўрнатилган сигнализация воситаси Миллий гвардиянинг техник қўриқлаш марказига ташвиш хабарини беради. Шундан сўнг тезкор гуруҳ хабар тушган манзилга зудлик билан етиб бориб, жиноятчини қўлга олди.

Албатта, жиноятга жазо муқаррарлиги, қонун устуворлиги таъминлангани яхши. Аммо ҳар қандай дардни доволандан кўра олдини олган яхши. Бу таъминлаш қатъий роия қилиш жиноятчиликни қаматиришнинг муҳим шартлари сирасига қиради. Шу боис қўриқлаш хизмати томонидан турли ташкилот ва муассасаларнинг иншоотларини, фуқароларнинг хонадонларини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилапти.

Жумладан, «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз шаҳар» концепциясига амал қилган ҳолда техник қўриқлаш пункти қўриқловига халқ ҳўжалиги объекти ва хонадонларни қабул қилишни кўпайтириш учун телекоммуникация тармоғи ходимлари, маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Агар техник қўриқлаш марказига уланган объектлардан ташвиш хабари келадиган бўлса, тезкор гуруҳ воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, хабарнинг сабабини ўрганади ва турли салбий ҳолатларнинг олдини олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни вақтда фуқароларимизнинг хонадонлари қўриқланиши учун ҳар ойлик тўлов 17 минг сўм бўлиб, уларга сигнализация воситаларини ўрнатиш учун ҳақ олинмайди. Ташкилот, қорхона ва бошқа объектларнинг қўриқловига олиниши учун тўловлар қўриқланиш тури, вақтидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тарифлар бўйича шартнома асосида амалга оширилади.

**Нодир ЖўРАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаси батальон командири

Тунци университет қошидаги Дунфан госпитали билан Хитойнинг «Stemira» биотехнология компанияси коронавирусга қарши мРНК-вакцина ишлаб чиқаради.

КЕЛГУСИ  
СОНДА

Шифокорларнинг хатоси туфайли тўққиз яшар бола вафот этди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSDUDINOV  
UtKirjon DEKXANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)

[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib solinganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [t] - tijorat materiallari.

Buyurtma v-4045.  
20 370 nusxada bosildi.  
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma tobaq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terifi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Setuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

30-YANVAR 2020-Y.

HUQUQ № 4

(1201)

11



Қадим шаҳримиз Самарқанд ўзининг жозибаси, осори-атиқалари билан оламга машҳур. Шаҳримизга келаётган меҳмонлар сони кундан-кунга ошиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.



# КАТТАЛАР ҲАМ ЯЁВ ЮРСАЛАР..

Вилоятда 2019 йилда меҳмонхоналар 154 тага кўпайиб, 296 тага етган. Янги меҳмонхоналарнинг 33 таси замонавий меҳмонхоналар, 128 таси оилавий меҳмон уйлари ва 3 таси хостеллардир.

Ўтган йили вилоятга 3 млн. 120 минг турист келди, шундан 560 минг нафари хорижий меҳмонлар. Қиёслайдиган бўлсак, 2018 йилда 2 млн. 105 мингта маҳаллий ва 351 мингта хорижий сайёҳ ташрифи кузатишди.

Хорижий валюта ҳамда халқаро пластик карталардан тўловларни ҳам миллий, ҳам хорижий валютада қабул қилиш учун 210 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 49 та банкومات ўрнатилди.

2020 йилнинг ўтган даврида 47 та туристик компания ва 8 та транспорт компаниясининг фаолияти йўлга қўйилиб, 36 та авто-

бус ва 49 та микроавтобус олиб келинди. Ҳамроҳ таржимонлар сони 230 тага, туризм ахборот марказлари эса 12 тага етказилди. Бундан ташқари, вилоят вакиллари Италия, Хитой, Ҳиндистон, Финландия, Латвия, Россия, Бирлашган араб амирликлари, Германия ва Украинада ўтказилган халқаро кўргазмаларда вилоятнинг туризм салоҳиятини намойиш этишди. Сайёҳлар учун 20 га яқин йирик маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказилди.

Туризмнинг муҳим бир жиҳати пиёда ёки велоспедда сайр этишдир. Россиянинг Сочи шаҳрида бўлганимда пиёдалар йўлакларининг қулайлиги диққатимни тортган эди.

Рақамлар кишини ром этади, аммо дилни хира қиладиган нуқсонлар ҳам кам эмас... Шаҳарнинг Амир Темури ва Мирзо Улугбек

кўчаларидаги муаммога эътибор қаратсак. Кўчанинг қурилиш бўлаётган ҳудудларида хавфсизлик қоралари қўрилмаган. Қурилиш майдонига кириб-чиқётган турли техникалардан тушган лой ва тупроқ юзлаб метрга сочилиб кетган. Машиналар йўлақларга шундоқ қолдириб кетилган. Дўконлар йўлақларда ҳам олди-сотдини авж олдириган. Ҳар бир бионинг олди-қисми ўз билганича қурилганидан ногиронлар тугул, ҳатто оддий йўловчи ҳам юрмоғи мушкул.

Яратилган қулайликлар, қилинаётган ишлар яхшидир, лекин пиёдалар қандай қилиб ушбу қулайликларга яёв етиб борсин. Мутасаддилар, ўйлаб кўринг!

**Азимжон ҚОДИРОВ,**  
«Нидиқ»



SPORT



## Собиқ теннисчимиз вице-президент этиб сайланди

Ўзбекистон теннис федерациясининг бош қотиби Ирода Тўлаганова яна бир нуфузли лавозимга сайланди.

Ҳамюртимиз 27 январь куни Осиё теннис федерациясининг (ОТФ) вице-президенти деб эълон қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси расмий сайти хабар бермоқда.

Ирода Тўлаганова 2019 йилнинг 1 декабрь куни Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида ўтган йиғилишда ОТФ директорлар кенгашига аъзо бўлган эди. Юртдошимиз самарали фаолияти туфайли халқаро ташкилотнинг вице-президенти даражасига кўтарилди.

## Спортчи бахтсиз ҳодиса қурбони бўлди

Машҳур баскетболчи Коби Брайант 26 январь куни вертолёт қулаши оқибатида вафот этди. Бу ҳақда TMZ нашри хабар тарқатди.

Коби учаётган вертолёт ҳалокатга учраган. Дастлабки маълумотларга кўра воқеада беш киши ҳалок бўлган.

Ҳалокат Лос-Анжелес яқинидаги Калабасас шаҳрида рўй берган. Вертолёт Брайантнинг ўзига тегишли экани айтилмоқда.

TMZ нашрининг маълум қилишича, вертолётда Кобедан ташқари унинг 13 ёшли қизи Жанна ҳам бўлган. Кобе кизи билан баскетболга ихтисослашган «Мамба академияси»га учиб кетаётган эди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## «Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Пахтачи туман ҳокимлигининг 2020 йил 24 январдаги 01-12/146-сонли буюртма-номасига асосан Пахтачи туман ҳокимлиги гаражида сақланаётган, 2008 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 367 SAA, техник носоз бўлган «Нексия» русумли автомашина 1 910 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 2 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача ташлик). Ушбу автомашина 2 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 9, 16, 23 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини АТИБ «Ипотека банк» Қўрсарой филиалидаги 2020800804942465001 (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Жиззах вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси Аман Худайкуловга турмуш ўртоғи Сафаргул ХУДАЙҚУЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Бюронинг Бухоро вилояти бошқармаси жамоалари бюронинг вилоят бошқармаси бошлиғи Адижон Қиличевга падари бузруквори Тилла ҚИЛИЧЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилояти бошқармаси бюронинг Булунгур тумани бўлими бошлигининг ўринбосари Фазлидин Шодмоновга волидаи муҳтарамаси Холбуви ая ШОДМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Навий вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Қозим Қозиевга волидаи муҳтарамаси Шахло КОЗИЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.